Т Е Х Н И К Т О П Ш И Р И Қ

“Навоий ИЭС” АЖнинг 478 ва 450 МВт БГҚлари тақиқланган худудларида алоқа ва мухандислик техник қўриқлов воситалари билан таъминлаш, 478 МВт БГҚ назорат ўтиш жойига қўшимча бино қуриш ҳамда ушбу объектнинг шарқий томонини темир-бетонли девор тўсиқ билан жихозлаш, 478 ва 450 МВт БГҚ объектлари ўртасидаги тақиқланган худудни йўриқнома талабларига мувофиқ жихозлаш бўйича лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва реконструкция ишларини бажариш.

№	Асосий талаблар рўйхати	Асосий талаблар мазмуни
1	**Буюртмачи номи, манзили ва хисоб рақами**	"Navoiy IES" AJ STIR 310 622 519 H/r 20210000705672006001 MFO 00980 Bank nomi: “Octobank” AJ Manzil: Navoiy viloyati, Karmana tumani, Uyrot MFY, 300-уй.
2	**Ишнинг номи**	“Навоий ИЭС” АЖнинг 478 ва 450 МВт БГҚлари тақиқланган худудларида алоқа ва мухандислик техник қўриқлов воситалари билан таъминлаш, 478 МВт БГҚ назорат ўтиш жойига қўшимча бино қуриш ҳамда ушбу объектнинг шарқий томонини темир-бетонли девор тўсиқ билан жихозлаш, 478 ва 450 МВт БГҚ объектлари ўртасидаги тақиқланган худудни йўриқнома талабларига мувофиқ жихозлаш бўйича лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш 4
3	**Ишларни амалга ошириш учун асос**	__.05.2026 йилдаги “Навоий ИЭС” АЖ илмий техник кенгашининг _____-сонли қарори. Республика Идораларараро комиссиясининг 2026 йил 11-13-март кунларидаги текширув маълумотномаси. “SMART INTEGRITY M E” МЧЖнинг 13.05.2026 йилдаги 462-сонли рухсат хати.
4	**Иш шартлари**	Лойиҳа –смета ҳужжатларини сифатли ва муддатида ишлаб чиқиш.Ўзбекистон Республикасининг норматив хужжатлари ва қонун хужжатларига мувофиқ саноат корхоналарида лойиҳалаш ишларини олиб бориш учун талаб қилинган рухсатномалари мавжуд лойихалаш ташкилотлари томонидан амалга оширилади.
5	**Бажариладиган ишлар**	**1. 450 ва 478 БГҚлар тақиқланган худудларида.**

		- Ёритиш чироқлари *(5 люкс дан кам бўлмаган)* ўрнатиш *(жами 1784 метр).* - Тақиқланган худуд бўйлаб симли алоқа воситалари билан жихозлаш (1784 метр) (кузатув миноралари, яшириниш ўраси *(окоп укрытие)*, пост соябони *(грибок)* билан бирга). - Тақиқланган худуд бўйлаб ташвишли чақирув сигнали билан жихозлаш (1784 метр). (кузатув миноралари, яшириниш ўраси *(окоп укрития)*, пост соябони *(поставой грибок)* билан бирга) - 1-рубеж ўрнатиш (1784 метр). - Калитка эшикларининг очиқ-ёпиқлигини билдирувчи сезгич *(даччик)*. - 2 та автотранспортларни текшириб ўтказиш жойига автосканер, эстакада, 100 люксдан кам бўлмаган ёритиш чироқлари билан жихозлаш. - 450 ва 478 БГҚ худудларини ажратиб турувчи 2,5 метр баландликдаги узунлиги 290 метр бўлган сим тўсиқ *(еврозабор)*, 1-рубеж, кузатув камералари, V шаклидаги тиконли сим тўсиқ билан жихозлаш. **2. 478 БГҚ тақиқланган худудида.** - Ҳозирда мавжуд бўлган баландлиги 4 метрлик 400 метр узунликдаги сим тўсиқни *(устунлари билан бирга)* кўчириб олиб, 3 метр ичкари томонга ўрнатиш. - Кўчириб олинган сим тўсиқ ўрнидан 400 метр узунликда 2,5 метр баландликдаги темир-бетонли девор тўсиқ ўрнатиш. - Темир-бетон девор тўсиқ устки қисмида V шаклидаги тиконли сим тўсиқ билан жихозлаш. **3. 478 БГҚ назорат ўтказиш жойида.** - Ҳозирда мавжуд бўлган 6 х 4.5 метр ўлчамдаги назорат ўтказиш жойини қайта реконструкция қилиш. - Ушбу бинодаги 1.5 х 1.5 метр ўлчамдаги хонани хожатхона сифатида қайта жихозлаш. - Мавжуд 3 та эшикларни ва 1 та дераза ромни алмаштириш. - Ҳозирда хизмат хонаси ва ётоқхона оралиғидаги 4 метр деворни олиб ташлаш орқали хизмат хонасини кенгайтириш. - Ички ва ташқи деворлар, пол ва шифт қисмини косметик таъмирлаш.

		- Мавжуд бинонинг ўнг томонида 4 та хонадан иборат *(1.5х2 метр ўлчамдаги шахсий буюмларни сақлаш хонаси, 1.5х2 метр ўлчамдаги аёл ишчи-ходимларни текшириш хонаси, 1.5х2 метр ўлчамдаги эркак ишчи-ходимларни текшириш хонаси, 1.5х6 метр ўлчамдаги ўтиш йўлаги)* 3 х 6 метр ўлчамдаги янги бинони қуриш, пардозлаш ва жихозлаш. - Ўтиш йўлагига бир дона statsionap металл детектор ўрнатиш. - Мавжуд бинонинг чап томонида 5 та хонадан иборат *(6х3 метр ўлчамдаги 2 та алоҳида ётоқхона, 6х3 метр ўлчамдаги овқатланиш хонаси, 6х3 метр ўлчамдаги қоровул бошлиғи хонаси ва ушбу хона ички қисмида 1.2х1.2 метр ўлчамдаги қурол сақлаш хонаси)* 13 х 6 метр ўлчамдаги янги бинони қуриш, пардозлаш ва жихозлаш. - Қурол сақлаш хонасининг ички деворлари, пол ва шифт қисмларида 12 мм Ø арматурадан панжара, темир металл эшик, ҳаракат сезгич *(даччик)*, эшикда ташвиш сигнали қурилмалари билан жихозлаш. - Бинонинг барча хоналарини ёнғин хавфсизлиги сигнали билан таъминлаш.
6		1. Ўзбекистон Республикасининг объектларида лойиҳалаштириш ишларини бажариш учун тегишли давлат ташкилотларидан олинган лицензия ва рухсатноманинг мавжудлиги; 2. Ўқитилган лицензияга эга камида 5 йиллик тажрибага эга бўлган малакали мутахассислар рўйхатини тақдим этиш; 3. Тоифаланган объектларда лойиҳа ишларини бажарганлиги бўйича тажриба мавжудлиги. 4. Молиявий барқарорлик (тақдим этиладиган бухгалтерия хисботларига кўра, иштирокчи қайта ташкил этиш, тўгатиш ёки банкротлик босқичида эмаслиги, мижоз билан суд ёки арбитраж холатида эмаслиги тўғрисида кўрсатилган кафолат хати, виждонсиз ижрочиларнинг Ягона реестрида рўйхатда турмаслиги, солиқлар ва бошқа мажбурий туловлар бўйича қарзи йўқлиги).
7	**Ишнинг топшириш тартиби.**	Буюртмачига иш бажарилгандан сўнг тақдим этиш лозим булган хужжатлар:

		1.Лойиҳа смета ҳужжатларини 3 (уч) нусхада коғоз ва электрон вариантда тақдим этиш. 2.Ишчи ҳайъатига объектни далолатнома асосида топшириш. 3.Бажарилган ишлар юзасидан ижро ҳужжатларини тақдим этиш.
8	**Ишнинг тури**	“Лойихачи” томонидан жойида келиб ўрганиб лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва реконструкция ишларини бажариш.
9	**Молиялаштириш манбаъаси**	“Навоий ИЭС” АЖ ўз маблағлари ҳисобидан.
10	**Бажарувчи ташкилот**	“Буюртмачи”нинг Энг яхши танлов конкурс комиссияси томонидан аниқланади.
11	**Коррупция талабларига амал қилиш**	Иштирокчилар томонидан коррупция холатларини содир қилмаслик тўғрисида ариза (кафолат хатини) тақдим этиш.